**_Иқтисодий билимлар сиртқи мактаби орқали кўплаб мутахассисларнинг назарий таҳсилларини бериб бораётганлигимиз туфайли, унинг қамрови янада кенгайиб бормоқда._**

**_Бу галги дарсимизда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг «Пахта тозалаш ва тўқимачилик саноати маркетинги ва аудит» кафедрасининг мутасаддилари Сиз, азиз муштарийларга ўз мулоҳазаларини билдиришади. Улар бу гал «Бизнес — режа», «Бозор муносабатлари», «Грант» ва «Лизинг» ҳақида қисқача маълумот берадилар._**

*Иқтисодий билимлар сиртқи мактаби*

# ҚАМРОВ ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА

БИЗНЕС-РЕЖА — тадбиркорнинг маълум муддатга мўлжалланган иш режасидир. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак тадбиркор бошлайдиган ишнинг техник-иқтисодий асосланишидир. Унда қуйидагилар ўз аксини топиши зарур:

1. Асосий қисм. Бунда тадбиркор ишлаб чиқарадиган маҳсулот ва хизмат турлари истеъмолчига кўрсатилади. Шу қисмда ишлаб чиқарадиган маҳсулотнинг истеъмолчи учун зарурлиги, у ишлаб чиқарадиган маҳсулотнинг бошқа шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар маҳсулотидан фарқлари, тахминий баҳоси, сарф-харажатлар, келадиган тахминий фойда ўз аксини топади.

2. Бу қисмда тадбиркор ишлаб чиқарган маҳсулотни ким харид қилиши: бир ойда, йилда қанча харид қилиши каби масалалар ётади.

3. Бу қисмда хорижий инвесторларни жалб қилиш, бунинг учун маркетингдан фойдаланиш кўрсатилади. Бинобарин, товарларни тарқатиш схемаси, нарх-наво, реклама, сотилган маҳсулотни рағбатлантириш, зарур бўлса сотилган маҳсулотни олувчиларга хизмат кўрсатиш мужассамлашган.

4. Бу қисмда ишлаб чиқариш қуввати қандай бўлиши, уни қандай ривожлантириш, хом ашё ва материалларни комплектловчи асбоб-ускуналарни қаердан, кимдан ва қандай шартлар билан сотиб олиш, ишлаб чиқаришни жиҳозлаш учун қандай асбоб-ускуналар қаердан олиниши ва бу соҳадаги муаммолар кўрсатилади.

5. Бу қисмда товар ишлаб чиқариш ҳажми, уни сотиш олдидан прогноз қилинади, маблағни сарфлаш ва маблағ тушуми баланси кўрсатилади. Корхона балансининг актив ва пассивлари ўз аксини топади.

6. Бизнес-режанинг бу қисмида корхона ишини юритиш учун қаердан маблағлар олиш, яъни «молиявий стратегия» кўрсатилади. Бинобарин, бу қисмда олинган маблағларни қайтариш, инвесторларга даромаддан бир қисмини бериш каби масалалар ўз аксини топади. Бизнес-режа тадбиркорга ўз ишини режали юритиш имконини беради.

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ сотувчи билан харидор ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг мужассамлашишидир. Олди-сотди хусусида товар ва пул эгалари ўртасидаги муносабатлар юзага келадиган, уларнинг аниқ ижроси корхона, фирма, компания, ташкилот, айрим шахс ва ҳатто давлатлар қиёфасида намоён бўлади.

Бозор муносабатлари бозорнинг турларига қараб хилма-хил бўлиши мумкин. Унинг бир қатор қоидалари мавжуд:

1. Эркин, ихтиёрий ва тенг ҳуқуқли бўлиши.

2. Мавжуд ташкил топган нархлар ва тарифлар асосида юзага чиқиши.

3. Харидор ва сотувчи бир-бирини ўзи билганича, ўз ихтиёри билан танлаб олиши.

4. Бозор иштирокчиларидан биронтасининг монопол мавқеига эга бўлмаслиги.

5. Иштирокчилар ўртасидаги алоқалар соғлом рақобатга асосланиши лозим.

6. Рақобат воситаси эса сифатли товарларни ишлаб чиқариш ва уларга кетган меҳнат сарфини камайтиришдир.

ГРАНТ — давлат томонидан илмий-тадқиқот ва бошқа тадқиқотлар ўтказиш учун ажратилган молиявий маблағдир. Бундан ташқари грант турли хайрия ташкилотлари ва давлатнинг турли фондларидан мақсадли режаларни амалга ошириш учун фойдаланилади. Шунингдек грант иқтидорли талабаларни, аспирантларни ўқитиш учун, уларнинг турли илмий-тадқиқот ишларини олиб боришлари учун ажратиладиган маблағлардир.

ЛИЗИНГ — мол-мулкни ижарага бериш мақсадида сотиб олган қарз берувчидан ижарага олишдир. Лизингнинг оператив (қисқа муддатли) ва молиявий (узоқ муддатли) икки тури мавжуд.

Молиявий лизинг узоқ муддат фойда қиладиган молларни қарзга бериш (мол-мулкни қарз бериш) дир.

**_Давр фақат ишлаб чиқариш корхоналаридагина эмас, балки ўқув юртлари ва ҳунар- техника билим масканларида ҳам ўзига хос тадбиркорлик билан иш юритиш лозимлигини тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти қошидаги «Нур» нашриёти ижодкорлари бошлаган иш ҳам таҳсинга лойиқдир. Нашриётчилар сардори Абдуқаҳҳор Ўктамов бизга қуйидагиларни гапириб берди._**

*Иш билганга минг танга*

# МАҚСАДЛАРИ — ХАЙРЛИ

— Ҳар соҳанинг ўз фидойиси бўлганидек, матбаачилик соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшаётган кўплаб инсонларни биламан. Мен ўзим ҳам кўп йиллар давомида шу иш билан шуғулланганман. Лекин яқиндан бошлаб «Нур» нашриётини тузганимиздан кейин бу соҳанинг очилмаган сирлари, ҳал бўлмаган муаммоларига дуч келаяпмиз. Нима бўлганда ҳам жамоамизнинг олдига қўйган мақсадини хайрли деб биламан. Чунки олий ўқув юртида ҳозирги кун талаби, яъни давлат тилида чиқарилган дарсликларнинг камёблиги кўплаб талабаларни қийнаб қўймоқда. Шу боисдан ҳам биз энг керакли ва оз миқдордаги ўқув қўлланмаларни давлат тилида нашрдан чиқариб, ўз-ўзимизни таъминламоқдамиз. Бу ишимизга фақат нашриёт ходимлари эмас, аксинча кўпроқ институтнинг домлалари, ёш мутахассисларни жалб этиб, бу борадаги ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этмоқдамиз.

**— Дарсликдан, ўқув қўлланмалардан бошқа яна нималарни нашрдан чиқарасизлар?**

— Юқорида айтиб ўтганимдай, иш бошлаганимизга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Атиги тўрт ой. Шу давр ичида иш юритиш ва бухгалтерлик қоғозлари, услубий кўрсатмалар, дарсликларнинг ўндан ортиқ турини чоп этишга муваффақ бўлдик. Бу қўлланмалар агарда йирик босмахоналарга ёки нашриётларга буюртма сифатида берилса ҳар бир ўқув қўлланмасини камида 3 минг дона миқдорида чиқариш керак. Ҳозирги кун талабини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай харажат институтнинг молия бюджетига тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам биз энг керакли ўқув қўлланмаларни 50 тадан 150 тагача бўлган миқдорда замонавий 2 та компьютер ёрдамида нашрдан чиқараяпмиз.

Шунингдек, компьютерларда босмахона талабига мос асл нусхалар тайёрлаш, матн териш, дискетларга ёзиш, терилган матн ёки сурат диапозитивини тайёрлаш, дискетларга ёзилган матнларни қоғозга босиш ишларини қиламиз. Ўзбек, рус, инглиз ёзувидаги ташрифномаларни, таклифномалар, фирма белгиси туширилган бланкалар, иш ва ҳисобот қоғозлари, брошюралар, китоблар чоп этиш, кўчирма нусхалар олиш /ксерокопия/ ни бажарамиз. Ҳисоботлар, курс ва диплом ишларини муқовалаш, турли ўлчамдаги қоғоз қутилари тайёрлаш, рулонли қоғозларни варақли ўлчамларга қирқиб бериш ишларини белгиланган тартибда нақд ва пул ўтказиш йўли билан бажариш имкониятига эгамиз.

**— Кейинги вақтда қоғоз муаммоси кўплаб матбаачиларни қийнаб келмоқда. Сизлар қоғоз масаласини қандай ҳал этаяпсизлар?**

— Дарвоқе, ҳозирги кунда қоғознинг қадри баланд. Мана шу ўтган тўрт ой давомида биз ҳам кўп буюртма асосида ишламаган бўлсакда, лекин 2 тоннадан зиёд қоғозни ишлатдик. Сарф-харажатни яхшилаб ҳисоблаб чиқиб, бунинг ҳам имкониятини топдик. Институтнинг кафедраларида муддатини ўтаган кўплаб курс ишлари ва диплом ишлари мавжуд. Бундай иккиламчи қоғозларни домлалар билан келишган ҳолда иккиламчи қоғозлар таркибига киритиб, бир жойга тўплаб марказлашган услубда «Ўзбекқоғоз» акционерлик жамияти билан шартнома туздик. Уларга биз иккиламчи қоғозларни топширамиз, улар бизга тоза рулонли қоғоз беришади. Мана қарабсизки, икки жамоа хом ашё билан талабалар ва буюртмачилар эса тайёр маҳсулот билан таъминланадилар. Умуман олганда келгусида олдимизга қўйган режаларимиз кўп.

Гулзода АБДУЛЛА қизи.

**_Мустақилликка эришган республикамизда бозор иқтисодиёти шароитида дадил иш юритиш ҳар бир тадбиркорнинг асосий мақсади бўлиб қолмоқда. Бу борада республика кўчмас мулк биржасининг фаолияти диққатга сазовордир. Бу ерда турли тоифадаги аукциончилар изланишлар олиб боришмоқда. Шулардан бири биржанинг юртимиздаги биринчи аукциончиси Дурбек Назаровдир. У 1951 йилда туғилган. 1972 йилда Тошкент театр ва рассомчилик санъати институтини тугаллаган. 1991 йилда Ўзбекистон миллий бизнес университетини тугаллаган. 1994 йилдан республика кўчмас мулк биржасининг бош аукциончиси. Оилали, уч фарзанднинг отаси._**

*Қирқ ҳунар ҳам оз*

# БИРИНЧИ АУКЦИОНЧИ

Дурбек ака ўтказган кўп кимошди савдоларида иштирок этганмиз. Зал тўла одам. Ҳамманинг нигоҳи давррани бошқараётган кишида. Дурбек ака «Омад сизга ёр бўлсин» дейиши билан бутун зал жонланиб кетади. Гўё у киши моҳир санъаткордек рол ижро этяптилару залдагилар томошабин...

**— Дурбек ака, аукциончилик касбининг режиссёрлик санъати билан боғлиқлик томони борми? Шу хусусда гапириб берсангиз.**

— Албатта, ўзаро боғлиқлик бор. Чунки залда ўтирган харидор бўладими, томошабин бўладими, уларнинг ҳаммасини ҳис қила билиш, кўра билиш лозим. Вазиятни баҳолай олиш, тахмин қила олиш қобилияти ҳам ишда асқотади.

Ҳар гал кимошди савдосини ўтказаётганимда ҳаяжон босади. Эсимда, биринчи марта 1992 йилда «Омад» телекўрсатувида аукцион ўтказганман. Ўшанда Тошкент чинни заводи маҳсулотлари ва Фарғона корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотувга қўйилган эди. Роса ҳаяжонланганман.

1994 йилда Наманган вилоятида бўлган кимошди савдоси ҳам жуда қизиқарли ўтди. Ҳатто унга республикамизда фаолият кўрсатаётган чет эл элчихоналарининг вакиллари ҳам келишган эди. Сўм-купон даври бўлгани учун, қарийб бир неча миллиард сўмлик савдо бўлган эди.

**— Ҳозир республикамизнинг барча вилоятларида кимошди савдолари ўтказиляпти. Бу ердаги аукциончилар ичида шогирдларингиз ҳам борми?**

— Ҳа, бор. Вақтнинг тез ўтишини қарангки, бирпастда устоз ҳам бўлиб қолибмиз. Ҳозир Наманганда, Самарқандда, Фарғонада ва бошқа вилоятлардаги шогирдларим кимошди савдоларини катта иштиёқ билан ўтказишяпти. Улардан хурсандман. Агар ёшларимиз орасида аукциончи бўламан деганлар чиқиб қолса, идорамизга келишаверсин. Қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз. Чунки бозор иқтисодиёти ривожланган сари қимматли қоғозлар, кўчмас мулк ва бошқа бир қатор тармоқларда ҳам савдо ривожланиб бораверади. Демак, менинг назаримда аукциончи деган касб ҳам оммалашиши муқаррар.

Ўтказилаётган аукционлар мазмунан ва шаклан ривожланиб бораверади. Мана яқинда биржамизда ҳозирги кимошди савдолардан фарқли ўлароқ «Кимошди» савдоларини эмас «Кимтушди» савдоларини ўтказдик. Бу савдо Хоразм вилояти Урганч шаҳрида бўлди. Кимтушди аукционига қўйилган «Жайхун» меҳмонхонаси 50 миллион сўмга баҳоланган эди. Савдо жараёнида тушиб-тушиб 38 миллион сўмга сотилди.

**— Дурбек ака, айтингчи, «Кимошди»нинг «Кимтушди»дан фарқи нима?**

— Ўз номи билан кимошдида савдога қўйилган мулкнинг баҳоси оширилиб боради. Кимтушдида эса мулк баҳоси туширилиб борилади. Яна шуниси қувончлики, биз ўтказадиган аукционларда олувчи билан сотувчи бирга иштирок этишади. Ҳеч қандай брокер аралашмайди. Кўчмас мулк биржасининг бошқа биржалардан фарқи ҳам ана шунда.

Исмоғил ФАТТОҲОВ.






*Хусусийлаштириш — давр талаби*

# «ЖАНГОВАР»НИНГ ДАСТЛАБКИ ҚАДАМИ

**_Бу корхона ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин у ўзининг хайрли иши билан тезда оғизга тушди. Корхонанинг асосий вазифаси Собир Раҳимов туманидаги ўрта мактаб ўқувчиларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат. Дастлабки вақтда бу ерда 4 турдаги енгил таомлар, сутли овқатлар тайёрлаш ўзлаштирилган бўлса, ҳозир уларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда. Айниқса қандолатчи Лилия Ҳайдарова, Ойгул Жўраевалар томонидан тайёрланган маҳсулотларни болалар севиб тановул қилишади._**

— Бирор фойдали тадбиркорлик билан шуғулланишни кўпдан бери ўйлаб юрардим, — дейди бизга «Жанговар» хусусий корхонаси бошлиғи Раҳматилла Маҳмудов, — Лекин ишни нимадан бошлаш кераклигини билмасдим. Қарангки, бир куни кичик ўғилчам мактабда бериладиган таомларнинг ночорлигидан нолиб қолди. Шунда бирдан хаёлимга туманимиз мактабларини озиқ-овқат билан таъминловчи хусусий корхона очсамчи, деган фикр келиб қолди. Бу ҳақда бир-икки яқинларимга маслаҳат қилсам фикримни маъқуллашди. Яхши гаплар қанот бахш этди. Хуллас шу хайрли ишга киришдим. Туман халқ таълими мутасаддиларига ҳам маъқул келди таклифим. Улар менга керагича ёрдам беришга сўз беришди.

Шундай қилиб кичик бир бинода дастлаб тажриба тариқасида тўрт киши иш бошладик. Таомларимиз тури уч-тўрт хилдан иборат эди. Қарасак маҳсулотларимиз ўқувчилар орасида қўлма-қўл бўлиб боряпти. Шундан кейин уларнинг турларини кўпайтиришга киришдик. Яна янги мутахассис-хизматчиларни ишга таклиф этдик. Сафимиз кундан-кунга ортиб борди. Шунга яраша маҳсулот турлари ҳам кўпайди. Биринчи кунларда уч-тўрт мактаб билан шартнома боғлаган бўлсак, ҳозир мижозларимизнинг сони 33 тага етди.

Таомларимиз асосан ўқувчиларга мўлжалланганлиги учун биринчи навбатда улар арзон бўлишини кўзда тутмоқдамиз. Масалан, эрталабки нонушта ҳар бир ўқувчи бошига 3 сўмдан айланса, тушлик иссиқ овқат учун 5 сўм сарфланади холос. Бизнинг бу холис хизматимиздан ота-оналар, ўқитувчилар миннатдор бўлишяпти.

Ҳозир корхона тобора кенгайиб бормоқда. Яна 8 турдаги қандолат маҳсулотларини тайёрлаш ўзлаштирилди.



Бу ишда қандолат цехи бошлиғи Фахриддин Ҳакимовнинг хизмати эътиборга лойиқ. Хуллас, хайрли ишга бел боғлаган «Жанговар»нинг дастлабки қадамлари қутлуғ келяпти.

Маҳмуд ОРИПОВ.

*СУРАТЛАРДА: корхонанинг қандолат ва нон маҳсулотлари тайёрлаш цехларидан лавҳалар акс эттирилган.*

*Холмат Мирзакаримов олган суратлар.*

**_Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида саноат корхоналарини ривожлантириб бориш, қолаверса, фуқароларимизга замонавий технологияни тадбиркорлик билан бошқариш сирларини ўргатиш ҳаёт заруратидир._**

**_Айни чоқда фуқароларнинг чет элда меҳнат фаолияти кўрсатиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, у ердаги илғор ишлаб чиқариш корхоналарида малака ошириш ҳам долзарб муаммоларимизнинг биридир._**

Меҳнат вазирлигининг Жанубий Корея билан тузган шартномасига кўра, бизнинг ёшларимиз пойабзал, тўқимачилик фабрикаларида ҳамда ўрта ва кичик корхоналарда ишлашмоқда. Жанубий Корея иш берувчилари ўзбекистонлик ёшлардан беҳад хурсанд. Айтишларича, олти давлат — Хитой, Ҳиндистон, Кичик Осиё, Сингапур, Филиппин ва Бангладешдан келган ёшлардан ҳамюртларимиз ўзларининг одоб ва ахлоқлари, самимийлик ва меҳнаткашликлари билан алоҳида ажралиб туришади. Шунинг учун улар бу йил 3000 нафар ўзбекистонликни қабул қилишга тайёр эканликларини маълум қилишган.

Шу хусусда Тошкент шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси бошлиғи Собир Саидкаримов қуйидагиларни гапириб берди:

— Жанубий Кореяга асосан ҳарбий хизматдан бўшатилган

*Мустақиллик мевалари*

# КОРЕЯДА ҲУНАР ЎРГАНИШМОҚДА

ва 35 ёшгача бўлган йигит-қизлар жўнатилмоқда, — дейди бошлиқ. — Ўтган йилнинг ўзида чет элда ишлаш хоҳиши бўлган 226 нафар йигит-қизларнинг ҳужжатлари танлов ҳайъатига тақдим этилган. Ҳозирги кунда шулардан 86 нафари Жанубий Кореяда меҳнат қилмоқда.

— Собир ака, бу йил неча киши чет элга бориб ҳунар ўрганишга мурожаат этган?

— Йил бошидан бери 27 нафар фуқаро Жанубий Кореяда ишлаш истагини билдирган. Шулардан 5 нафари иккинчи маротаба Жанубий Кореяда ишлаш ниятида мурожаат этмоқдалар. 22 нафар фуқаро аввалги қолган кетувчилар билан биргаликда, жами 54 киши ҳозирда Корея Республикасининг Тошкентдаги ўқув марказида сабоқ олишмоқда. Тен Ман Себ директор бўлган бу марказда Жанубий Кореядаги ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда ўқув марказлари томонидан тасдиқланган дастур бўйича таълим берилмоқда. Дастур уч бўлимдан иборат. Фуқаролар ҳафтанинг душанба, сешанба, пайшанба кунлари эрталаб икки соатдан ўқишади. Июнда ўқиш якунланиб, имтиҳонлар бошланади. Албатта имтиҳондан яхши ўтган талабгорлар Жанубий Кореядан чақирув келиши билан йўлга отланадилар. Айтмоқчи, бизда ўқиш бошқарма томонидан уюштирилган бўлиб, бепулдир. Муҳими, юртдошларимиз Жанубий Кореянинг тили, урф-одат ва анъаналарини ўзлаштириб олишлари керак.

— Йўл учун ҳам маълум сарф-харажатлар қилинадими?

— Йўқ, ишлаш учун кетаётганлардан ҳеч қандай сарф-харажатлар талаб қилинмайди. Мақсадимиз, ёшларимизни чет элда ишлаб, малакаларини оширишга, керагича даромад орттиришларига кўмаклашишдан иборат. Қолаверса, шу йўл билан шахсий эҳтиёжларини қондирсалар, демакки, ўзларига маъқул иш топиб, ишбилармон мутахассис бўлиб қайтсалар, биз шундан хурсандмиз.

Республикамиз фуқароларини чет элга юборишдан кўриладиган манфаат асосан Жанубий Кореяда замонавий технология асосида бошқариладиган саноат корхоналарида меҳнат қилиб, тажриба орттириш.

Ўйлаймизки, бугунги кунда Жанубий Кореяда меҳнат қилаётган юртдошларимиз ватанларига қайтиб келгач, ўзимиздаги мавжуд саноат ишлаб чиқариш ҳамда янги корхоналарнинг имкониятларини юзага чиқаришга баҳоли қудрат ҳисса қўшадилар. Айни чоқда маҳсулотларимизнинг сифати ва унуми ошишида, жаҳон андозалари даражасида яралишида етакчилик қиладилар.

Зоир ТУРСУНОВ.

# ДОРИЛАРНИНГ ТУРИ КЎП

*Суратли лавҳа*

Шаҳримизда хусусий дорихоналар жуда кўп. Уларнинг ҳар бирининг ўз хусусияти бор. Баъзи дорихоналарга бир марта кирсангиз ахтарган дори-дармонларингизни топасиз. Айримларига эса қайтиб қадам ранжида қилгингиз келмайди. Чунки дориларнинг баҳоси қиммат ёки мавжуд имтиёзларга эътиборни қаратишмайди. «Исмоилий» хусусий дорихонасида бу фикримизнинг аксини кўрамиз.



Дорихонага бу номнинг қўйилишининг ҳам ўз тарихи бор. Табобат соҳасининг сардори Исмоил ота бутун умрини одамларга шифо беришга бахшида этган инсон. У кишининг зурриёдларидан 60дан зиёди мана шу соҳа эгаларидир. Улар орасида 2 та академик, ўндан ортиқ фан докторлари, 20 га яқин фан номзодлари ва оддий шифокору дорищунослар бор.

Ҳозирги кунда «Исмоилий» хусусий дорихонасини Миробид ака Исмоилов бошқараяпти. Бошқа дорихоналардан ажралиб турадиган томони шундаки, кичкина бўлса ҳам аҳолига хизмат кўрсатиш юксаклиги, дори-дармонларнинг хилма-хиллиги, шифокор кўрсатмаси билан дори тайёрлаш, уни қадоқлаш, имтиёзли рецептлар асосида уруш ногиронларига, қатнашчиларига, шахсий нафақахўрларга ва айрим тоифадаги оғир касалларга дориларни бепул ва арзонлаштирган нархда бериши билан кўпчиликка маъқул келмоқда.

Жамоа аъзолари ўндан ортиқ маҳаллий фирма ва ишлаб чиқариш тармоқлари билан шартномалар тузиб, арзон нархдаги дорилар билан пештахталарини тўлдиришмоқда. Бу билан чегараланмай чет эл сармояларини жалб этиш, хорижий фирмалар билан ҳамкорликда ишлаш мақсадида Ҳиндистон, Бельгия, Венгрия каби давлатлар фирмалари билан ҳам шартномалар туздилар. Бундай шартномалар тузишдан мақсад алоқа тўғридан-тўғри ўрнатилса келтириладиган дориларнинг сарф-харажати арзон бўлади. Натижада пештахтага қўйиладиган дориларнинг баҳоси ҳам арзон бўлади. Айни вақтда мана шундай саъй-ҳаракатлар эвазига дориларнинг тури 500 тадан ошди. Улар шунингдек чекланган нархда дориларни сотишга ҳам алоҳида эътибор беришади.

Рустам ШАРИПОВ.

*СУРАТЛАРДА:/чапдан/ доришунос Машкура Абдураҳмонова; /ўнгда ўртада/ Миробид Исмоилов харидорнинг талабини ўрганмоқда.*

*Муаллиф олган суратлар.*

*Ажаб савдолар*

# БОЗОРДАГИ НИҚОБЛИ ТАНИШ

Анчадан бери бу танишимни учратмай юрардим. Бир куни у кутилмаганда уйимизга кириб келиб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Кейин мендан гина қилиб кетди:

— Оғайни ҳам шунақа бўладими, бормайсан, сўраб-суриштирмайсан ҳам.

— Ҳа, энди иш билан.. Ҳозир қаердасан?

— Э, оғайни, тижоратчи бўлиб кетганман. Бола-чақали одам тадбиркор бўлмасанг кун ўтказиш осон эмас.

— Табриклайман, назаримда сен ҳам бирор жойдан дўкон очган кўринасан шекилли.

— Шунақа десам ҳам бўлаверади. Ҳар қалай тушуми бир дўкондорникидан қолишмайди. Ўзинг газетада ишлайсан, мундоқ бир бизни мақтаб ёзай ҳам демайсан-а. Ҳозир тадбиркор, ишбилармонларни кўп ёзишаяптику газетада.

Энди гап мундоқ, оғайни. Мақтаб ёзмасанг ҳам менга бироз ёрдам бериб юборсанг бўлгани. Мана шу мелисаси тушмагур ҳеч қўймайди-да, қўймайди бизларни. Бир бориб ўшаларга «Шу одам бизга қарашли», деб тайинлаб келсанг. Иннайкейин бозорқомга ҳам шипшитиб қўй.

— Қўйсангчи, улар менинг гапимга қулоқ солишармиди.

— Солишади. Олдин сен боргин, сал баландроқдан келиб сўраб-истагин.

Хуллас, тадбиркор танишим қўярдақўймай менинг ваъдамни олди.

— Ҳа, айтмоқчи, сени қайси дўкондан топаман?— сўрадим ундан кетар чоғида.

— Меники очиқ дўкон. Бозор растасига кираверишингда жойлашган. Ўша жойга бориб «Содиқ акани қаердан топаман десанг», ҳамма кўрсатиб беради.

Ваъдалашган куним «Олой» бозорига бордим. Кираверишда Содиқнинг ўзи кутиб олди мени.

— Ҳа, келдингми, оғайни.

— Қани, дўконингни кўрсат-чи?

— Мана шу кўриб турганинг менинг дўконим-да, — дейди у ишшайиб, катта стол устига ёйиб қўйилган турли-туман сигаретлар, сақичлар, ароқ-вино ва пиволарни кўрсатиб.

Аста кўз югуртирсам вой тавба, бу ерда нималар йўқ дейсиз. Ҳатто оддий қуртдан тортиб пистагача бор.

— Бу молларни қаердан оласан? — сўрайман ҳайрон бўлиб.

— Қизиқсан-а, қаердан олардим. Сал нари-беридан арзон-гаров олиб шу ерда қимматига сотаман. Нима бу ишбилармонлик эмасми? Ҳов, анови сабзавотлар растасидан хотинимга ҳам «дўкон» очиб берганман. Эрталаб шошилиб турган деҳқонларнинг ҳожатини чиқарамиз. Уларнинг маҳсулотларини улгуржи олиб қолиб чаканалаб сотамиз. Шундай қилсак ҳарқалай қўлимиз беш-ўн сўм пул ялайди.

Соддалигимдан мулзам бўлдим. Туппатузук олибсотарликни ўзига касб қилиб олган танишимнинг сўзига учиб уни «ҳимоя» қилгани келибмана бу ерга. Аслида мен ҳам уни тадбиркор ва ишбилармонликни ўзига ниқоб қилиб олганини қаердан билай.

Вазиятни тушундиму, индамай орқамга бурилганча кетдим.

— Ҳа, тадбиркорлигим сенга ҳам ёқмай қолди шекилли, — орқамдан пичинг отиб қолди танишим. — Ўзим ҳам шундай бўлса керак деб ўйловдима. Аслида ҳаммангнинг тилинг бир. Чойчақа бермасанг битадиган ишни ҳам битказмайсанлар.

Эртасига эшитсам савдо инспекцияси-дагилар танишимнинг «дўкони»ни ёпишиб, ўзига катта жарима солишибди. Олибсотар «тадбиркор»нинг жазоси шу-да.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

*Маъданлар оламида*

# ЁҚУТНИНГ МЎЪЖИЗАКОР ХУСУСИЯТЛАРИ

***Жавоҳирлар ўзига хос бир оҳанрабога эгадирларки, уларнинг ҳар қиррасидан тараладиган камалакнинг етти хил жилоси, ойна юзидек сайқали, нурларга кўз қисиб товланиши кишини гўё гўзал қиз ишвалари каби ўзига ром этади. Олмос, зумрад, марварид, лаъл, гавҳар, олтин, феруза, ақиқ, биллур, ложуврд, малахит, қаҳрабо, садаф каби қимматбаҳо тошлар жуда қадим замонлардан маълум бўлиб, улар тўғрисида афсоналар ҳам тўқилган. Лекин уларни қайта қирралаш, жило ва сайқал бериш каби ишлар анча кейинроқ ривож топган...***

Қадимда табиий олмосни қайта қирралаш билан биринчи марта Шарқ мамлакатларида, асосан Ҳиндистонда шуғулланганликлари маълум. Эрамиздан етти минг йил илгари Хитойда зумраддан турли безаклар, ложуварддан меҳнат қуролларини ясашган.

Демак, одамзот ана шу бебаҳо мўъжизалар ҳақида кўпроқ билишга интилган, улар тўғрисидаги маълумотларни тўплаган, ривоятларни йиғган. Ана шундай изланишлар натижаси ўлароқ ўнлаб ўтмиш ёзма ёдгорликлари пайдо бўлган ва ҳозирги кунда улар биз учун энг қимматбаҳо ва қизиқарли манбалардан ҳисобланади. Шундай битикларда, тарихий асарларда ва халқ оғзаки ижодида чуқур ўрганилган ва тавсиф этилган инжулардан бири энг машҳур жавоҳир — ёқут тошидир.

Жавоҳиршунослар тили билан айтганда 1-даражали қимматбаҳо тошлар туркумига кирувчи ёқут жуда қадимдан, милоддан аввалги даврлардан бери истеъмолдаги маъданлардан ҳисобланади. Биринчи ёқут конлари бундан беш минг йилча бурун қадимий Бирмада вужудга келган. Ёқут конларида минглаб қуллар заҳмат чекиб, бебаҳо пушти ва қизил тошларни қазиб чиқазганлар. Ҳозирги пайтда ҳам энг катта ёқут конлари Бирмада ҳамда унга яқин бўлган Шри Ланка, Таиланд каби мамлакатларда ишлаб турибди.

Ёқут ҳақидаги маълумотлар қатор кўҳна асарларда, хусусан, Абу Райҳон Берунийнинг «Китоб ул-Жавоҳир фи Маърифат ал-Жавоҳир» («Минералогия»), Ҳожа Носируддин Тусийнинг «Жавоҳирнома», Мавлон Орифиддиннинг «Гўй чавгон», Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ улвақоe» каби асарларида қаламга олинган.

Ўша замонлардаёқ ёқутнинг ноёб хусусияти ҳақида одамлар орасида турли ривоятлар юрган. Бу ривоятларнинг ростгўйилигини эса Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек каби алломаларнинг асарлари исботлаб берган.

Масалан, айтишларича, ёқут ташналикни даф этади ва қувватни кўпайтиради. Ибн Сино ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Ёқут тошини ёнида олиб юрган одам чўлда бўлса ҳам ташна бўлмайди. Кучига куч қўшилиб, ҳар қанча оғир меҳнат қилса ҳам чарчамайди. «Жавоҳирнома» да ёзилишича, тили қизиб кетган одам оғзига ёқут тошини солса, дарров музлатади. Агар ёқутни киссасига солиб юрса, ёки ёқут кўзли узук тақса икки юзи қип-қизариб кетади. Ҳатто ёқутни кукун ҳолига келтириб, маъжун меваси билан қўшиб оз миқдорда истеъмол қилинса, қонни тоза, кучни зиёда қилар экан. «Бадоъе улвақоe» да ёзилишича, Абу Саъид Мирзо исмли темурий подшоҳ ҳам ёқутни ана шундай қилиб истеъмол қилар экан.

Абу Райҳон Беруний билан содир бўлган бир воқеа ҳикояти эса ёқутнинг яна бир ғаройиб хусусиятини очиб беради. Машҳур халифа Ҳорун ар-Рашиднинг тенгсиз бебаҳо бир ёқути бўлган экан. Кунлардан бирида ўша ёқут ўғирланибди. Халифа ғазаб ўтида ёниб, саройида ҳозир бўлган барча аъёнларига зулм ўтказа бошлабди. Шунда Ҳорун ар-Рашид хизматида бўлган Беруний ёқутни топиб беражагини билдирибди ва халифанинг итини келтиришни илтимос қилибди. Халифанинг баҳайбат бир ити бўлиб, катталиги ва даҳшатлилиги билан донг таратган экан. Олим мазкур итни маҳкам занжирлатиб, навкарларга ушлаттириб қўйибди-да, саройнинг барча амалдорларини шу ит олдидан ўтишларини сўрабди.

Ҳар бир амалдор ўтганида ит уларга ташланаман деб талпинаверибди. Лекин битта аъён ўтаётганида ит тинчиб думини қисиб ерга ётиб олибди. Беруний дарҳол шу аъённи тинтиш кераклигини айтибди. Бояги аъённинг қўйнидан йўқолган бебаҳо жавоҳир топилибди. Демак, ёқутни ёнида олиб юрган одамни ит қопмаслиги ҳам аён бўлди. Шунингдек, ёқутнинг яна бир улуғ хусусияти ҳам борки, у заҳарланишнинг олдини олади. Носириддин Тусийнинг ёзишича таом ёки шаробга заҳар қўшилганини аниқлаш учун уларга ёқут тошини ташлаш керак экан. Шунда заҳар шаробнинг ёки таомнинг юзига қалқиб чиқаркан.

Ёқут тошнинг инсон вужудига куч ва қувват бахш этиши тўғрисидаги қизиқ бир маълумот улуғ фалакшунос Султон Улуғбек билан боғлиқдир. Ривоят қилинишича, Улуғбек Мирзо Самарқанд атрофидаги улкан ариқ қазилишини назорат қилиб юрганида бир мўйсафид ишчининг меҳнатини кўриб, ҳайратда қолади. Чол ниҳоятда кекса ва кўринишидан камқувватлигига қарамай, чуқурдан катта-катта бўлак лойларни олиб юқорига — бир неча метр узоқликка бемалол отар ва ҳар гал заррача қийинчиликсиз, кучанишсиз, эгилиб-турар эди. Подшоҳ ва унинг ҳамроҳлари бундан лол қоладилар. Улуғбек, бунда бир сир бўлса керак, деб ўйлайди ҳамда чолни чақиртиради. Қария келгач, Мирзонинг буйруғи билан уни ечинтириб кўрадилар. Шунда унинг белбоғи орасидан беш дона қип-қизил ёқут тошчалар чиқади. Улуғбек ишчига дейдики: «Сиз қўрқманг, бу молингизга зарра таъма қилмаймиз. Балки унинг ёнига тилло қўшиб берамиз. Фақат ҳозир менинг айтганимни қилинг: шу тошларни менда қолдириб, ўзингиз ишингизни давом эттириб кўринг».

Чол дарҳол иш жойига қайтиб, кетмонини олади. Бироқ, қанча уринмасин, бир кетмон лойни ҳам ирғита олмайди. Ҳар отган лойи чуқурдан чиқмай, ўз устига тўкилиб тушаверади. Шундан сўнг подшоҳ бояги ёқутларни чолнинг белбоғига тугдириб қўйди. Чол яна барчани ҳайратга солиб, забардаст кишилардай, ботмон-ботмон лойни боши узра ўйнатиб, чуқурдан узоққа ота бошлайди. Шундай қилиб, олим Улуғбек жавоҳирлар орасида ёқутнинг улкан қувватбахш кучи ҳақида эътироф этган экан.

Ёқутнинг фақатгина жисмоний куч эмас, балки ақлий қувватнинг ҳам манбаи эканлигига яна бир тарихий маълумот гувоҳлик беради. Машҳур форсийзабон шоирлардан Мавлон Орифиддин ўзининг тарбиявий аҳамияти катта бўлган «Гўй чавгон» шеърий асарини яратаётган чоғда унинг киссасида ҳамиша ёқут парчаси бўлган экан. Шоир ҳар гал шеър ёзиш олдидан ёқутни қўлига олиб томоша қилар, шундан сўнг бетакрор мисраларни ижод этар экан.

Кунлардан бир куни Мавлон Орифиддин ижод қилиш учун уйидан узоқроқ боғга кетади ва ёқутини уйда қолдиради. У боғда анча-мунча байтлар ёзиб, уйга қайтади. Ўша куни шоирнинг уйида мушоира ўтказилиб, таниқли ва билимдон шеършунос адабиётчилар ҳам тўпланадилар. Улар мавлононинг шу бугунги шеърларини ўқиб ҳайрон қоладилар ва «Ёки бунгача ёзган шеърларингиз сизники эмас, ё бўлмаса бу шеърлар сизники эмас», дейдилар. Чунки ёқут тошини томоша қилмасдан ёзган шеърлари мавлононинг энг омадсиз мисралари эди. Демак, ушбу бебаҳо жавоҳирнинг яна бир мўъжизаси тафаккур ва илҳом кўзгуларини ҳам равшанлаштиришдан иборат экан.

Айтишларича, ёқутнинг яна бир мўъжизакор ва фойдали хусусияти бор. Бу тош ёруғликка ниҳоятда сезгир бўлиб, узоқда милтиллаган бир дона чўғ ҳам унинг қирраларида ўз аксини топар экан. Агар киши чиқиб бўлмас қоронғу ғорда адашиб қолсаю атроф зим-зиё бўлса ҳам ёқут тошини қўлида айлантирса, инсон кўзи илғамайдиган узоқликда нуқтадай бўлиб кўринган тешик ёруғлиги тошда зоҳир бўлиб, нажот йўлини кўрсатар экан. Машҳур «Минг бир кеча» китобининг аксар қаҳрамонлари ер ости йўлларидан чиқиш жойини ёқут кўзли узук ёрдамида топганликлари маълум.

Мўъжизакор жавоҳирнинг инсон учун беқиёс улкан фойдаси ва ёрдами унинг ноёблиги ва қимматлигининг бежизмас эканидан далолат беради. Қадим замонлардан бери инсоният жавоҳирлар орасидан ёқут тошни ортиқроқ хуш кўради ва юқори баҳолайди. Европа қироллари ўрта асрлардаёқ Ҳиндистон, Эрон, Бадахшон, Бухоро ёқутларини Шарқ савдогарларидан катта пул эвазига сотиб олганлар. Барча шарқий ҳукмдорларнинг тожларида гавҳар билан ёқут доимо нур таратиб турган. Аёлларимизнинг безаклари ҳам ҳамиша ёқут тоши иштирокида яратилади. Ёқут кўзли узук ва зираклар ўзбек аёлларининг ҳуснига ҳусн, жозибасига жозиба қўшиб туради. Бинобарин, аёллар ҳуснини ошириш ҳам ёқутнинг мўъжизакор хислатларидан бири бўлса, ажаб эмас.

Хайрулло НУРИДДИНОВ.

*Дил тубидан*

# ДУНЁДА ЭНГ АЗИЗ

Она... Ҳар бир инсон учун -каттами ёки кичикми, ёшми -қарими, она — дунёда энг азиз инсон. Оналик меҳри, илиқ, эркаловчи, тинимсиз меҳнати, сабр-тоқат, ташвишлари ҳаётимизнинг биринчи кунидан бошлаб бизни қамраб олади. Мана, нажотсиз вужуд, она тўйингач оҳиста ширин уйқуга кетади. Мана, онанинг ғамхўр овозига жавобан гўдакнинг биринчи табассуми. Мана, она ёрдамида гўдак ўзининг дастлабки қадамини қўйди ва биринчи сўзи — «ОНА» бўлди.

Она — фарзандларига бўлган муҳаббати олижаноб, беғараз, ўзининг донолиги, меҳрининг чексизлигига кўра ягона ва тенги йўқ инсон. Она ўз фарзандини қалби, қони-жони билан, ўзининг бутун вужуди билан севади: унинг муҳаббати табиийдир... Фарзанд — онанинг пушти-камари, қони ва жони; уни она қийналиб ёруғ дунёга келтиради, уни янада кўпроқ севади; она унинг хунукликларини гўзаллик каби севади; унинг маъносиз кулгиларида сал бўлмаса она оқилона нутқни кўради ва у билан суҳбатга тайёр туради; унинг боши устида тунларни бедор ўтказиш онага малол келмайди ва у - бечора она — фарзандини ҳамма вақт хунук бўлса ҳам, гўзал бўлса ҳам, ақлли бўлса ҳам, аҳмоқ бўлса ҳам, ёмон бўлса ҳам, яхши бўлса ҳам, ҳимматли бўлса ҳам, ҳимматсиз бўлса ҳам, машҳур бўлса ҳам, номашҳур бўлса ҳам, севади...

Она муҳаббатидан муқаддасроқ ва беғаразроқ нарса йўқ: Онанинг нозиклигидан куч, фаросатидан донишмандлик, ишончидан қувват пайдо бўлади. Унга ҳеч қандай иш ҳақи, ҳеч қандай мукофот бермасанг ҳам, барибир у ўзини фарзандларига бахш этади. Бироқ она улардан акс садосини бутун вужуди билан кутади. Миннатдорчилик тарзида эмас, балки ўз муҳаббатининг меваси сифатида, бетиним ҳаракатларининг натижаси сифатида кутади. Буни фарзандлар эшитадими? Онанинг зориқиб кутишига қандай жавоб беради?

Кўпгина болаларни тезроқ улғайиш қизиқтиради, аммо битта чўққи борки, буни улар ҳаётининг биринчи йилларидаёқ эгалламоғи лозим. Бу инсоннинг биринчи ахлоқ чўққиси — онага ҳурмат. Ҳар бир киши ўз онасини севади, бироқ ҳамма ҳам онани авайлаб, қадрлайвермайди. Онани ҳурмат қилмоқ лозим, бу ҳурмат - онанинг муҳаббатига жавоб, унинг меҳнати учун миннатдорчилигидир. Инсоннинг руҳий маданиятини вужудга келтирадиган жуда кўп фазилатларнинг куртаги худди шу ерда.

Малика РАҲМОНОВА,
педагогика фанлари номзоди.



*Дилбар қизлар табассуми.*

*Рашид Галиев олган сурат.*

*Спорт*

# «ОЛТИН АЙИҚ» ЧОРЛАМОҚДА

***Алпомишсифат йигитлар ва Ойбарчиндек қизлар билан Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти жамоасини лол қолдириш қийин. Аммо бу ерда армреслинг бўйича ўтказилган мусобақа ҳаммада катта қизиқиш уйғотди.***

Бунинг сабабларидан бири шундаки, қўл кураши, яъни армреслинг — оммавийлашиб, ривожланаётган спорт турларидан бири ҳисобланади. Мусобақада куч синашган спортчиларнинг кўпчилиги аввалроқ курашчи ва оғир атлетикачилар сифатида майдонларда ном қозонгандилар.

Даставвал мусобақа қатнашчилари бир қур куч синашиб, пойтахт биринчилигининг ғолиблари аниқланди. Қизлар ўртасидаги баҳсларда О. Телушкина (60 килограмм), Н. Старуженко (70 килограмм)лар пешқадам бўлдилар. Эркаклар ўртасидаги курашда эса З. Очилов (70 килограмм), М. Васин (90 килограмм) ва С. Трувицин (90 килограммдан юқори)лар энг кучли «учлик» сафидан жой олдилар. Чилонзор туманининг «Паҳлавон» клуби (раҳбари — К. Паноҳов) умумжамоа ҳисобида биринчиликни олиб, Мирзо Улуғбек ва Акмал Икромов туманларининг полвонлари эса кейинги ўринлардан жой олдилар.

Республика турнири дастурининг иккинчи қисмига кўра, Ўзбекистон армреслинг федерацияси (президенти С. Жонназаров) таъсис этган совринлар учун беллашувлар бўлди.

Спортчилар халқаро қоидаларга кўра тегишли вазн тоифаларида, ўнг ва чап қўллари билан ҳам куч синашдилар. Ушбу баҳсларда ҳам қизлар ўртасида О. Телушкина (60 килограмм) ва Н. Староженко (66 килограммдан юқори)лар, йигитлар ўтасида эса А. Муҳамедовга (ўнг қўлда 90 килограмм ва чап қўлда 70 килограммдан юқори вазнларда кураш олиб борди) тенг келадиган рақиблар топилмади. Шунингдек ушбу мусобақада В. Очилов (70 килограмм), З. Очилов (80 килограмм), С. Трубицин (90 килограмм), В. Лим (70 килограмм), З. Акисов, А. Қулматов (55 килограмм), С. Тўраев (60 килограмм)лар ҳам муваффақиятли қатнашиб, совриндорлар қаторидан ўрин оладилар.

Мусобақа ниҳоясида армреслинг федерацияси президенти С. Жоннназаровга бир неча савол билан мурожаат этдик:

**— Собирбой Жиянбоевич, бугунги кунда федерациянинг олдида қандай вазифалар турибди?**

— Армреслинг спорти тобора ривожланиб, оммавийлашиб бормоқда. Айни вақтда йирик халқаро мусобақаларда ҳам дадил беллаша оладиган умидли спортчиларни саралашга эътиборни қаратмоқдамиз. Яқинда пойтахтда Осиё чемпионатини ўтказиш режамиз бор. Бунинг учун зарур тайёргарликларни кўриб, Жаҳон армреслинг федерациясининг президенти Бариджа Бар билан келишиб қўйдик. Яқин кунларда мусобақани ўтказишнинг аниқ муддатини белгилаймиз. Ушбу нуфузли чемпионат ҳам республикамиздан етук спортчиларимизни кашф этишга ёрдам беради, деб ўйлайман.

**— Федерациянинг келгусидаги режалари қандай?**

— Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашган полвонлар билан мунтазам машғулотларни йўлга қўймоқчимиз. Мақсад — яқинда Москвада ўтказиладиган «Олтин айиқ» халқаро турнирига пухта ҳозирлик кўриш. Хуллас, режалар улкан, ҳаракатларимиз ҳам чакки эмас.

Ҳалима ОТАМИРЗАЕВА



# ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Савдо шохобчалари орқали чакана савдо билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар**

## ДИҚҚАТИГА!

Савдо қилиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаларини ва вино-арақ маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқи учун гувоҳномаларни бериш тартибини такомиллаштириш мақсадида Тошкент шаҳар Ҳокимининг 1996 йил 18 апрелдаги 114-сонли қарори билан мазкур рухсат гувоҳномаларини ва бошқа рухсатномаларни савдо шохобчаси жойлашган туман ҳокимликлари томонидан берилиши белгилаб қўйилди.

КОРХОНАЛАРНИ РЎЙХАТГА ВА САВДО ТАРМОҚЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН ИЛГАРИ БЕРИЛГАН РУХСАТ ГУВОҲНОМАЛАРИ ВА РУХСАТНОМАЛАР ҲАҚИҚИЙ ҲИСОБЛАНАДИ ВА БИР ОЙ МУДДАТ МОБАЙНИДА ЯНГИ БЛАНКАЛАРГА ҚАЙТА РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ.

Шу муносабат билан Сиз, савдо шохобчангиз жойлашган тумандаги корхоналарни рўйхатга ва савдо тармоқларини ҳисобга олиш бўлимларига 1996 йилнинг 18 майига қадар мурожаат қилиб савдо қилиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномалари ва вино-арақ маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқи учун рухсатномаларнинг асл нусхасини топшириб, янги бланкаларга қайта расмийлаштиришингиз зарур.

**Шу билан бирга Сизга шуни маълум қиламизки 1996 йил 18 апрелдан бошлаб савдо ҳуқуқи учун маҳаллий йиғим ва вино-арақ маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқи учун рухсат йиғими савдо шохобчалари жойлашган туман бюджетига тўланади. МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:**

АКМАЛ ИКРОМОВ тумани — 74-28-69.
БЕКТЕМИР тумани — 90-02-21.
МИРОБОД тумани — 33-13-47.
МИРЗО УЛУҒБЕК тумани — 67-36-82
СОБИР РАҲИМОВ тумани — 48-39-10.
СИРҒАЛИ тумани — 58-36-33.
ҲАМЗА тумани — 91-15-41.
ЧИЛОНЗОР тумани — 76-26-86.
ШАЙХОНТОҲУР тумани — 41-23-06.
ЮНУСОБОД тумани — 35-05-71.
ЯККАСАРОЙ тумани — 55-80-45.

***ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЯТИНИНГ КОРХОНАЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА САВДОГА РУХСАТ БЕРИШ БОШҚАРМАСИ.***

**33-АТС АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**
**ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ**
**27 апрелдан 7 июнгача**
**33-АТС АБОНЕНТЛАРИНИ ЯНГИ ЭЛЕКТРОН СТАНЦИЯГА ЎТКАЗИШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

Янги электрон станцияга ўтказиш босқичма-босқич амалга оширилади ва абонентнинг ўз номери сақлаб қолинади.

**МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:**
**36-11-99, 36-12-99, 33-12-12, 33-35-53.**

Агар абонент янги АТСга ўтказилган бўлса, у 33-00-99, 33-17-99 рақамли телефонларни терганда автомат жавоб берувчи товушини эшитади.

Сизнинг диққатингизга юқорида кўрсатилган муддат давомида бошқа абонентга қўнғироқ қилиш ёки Сизнинг телефонингизга тушиш, шаҳарлараро алоқа қийинлашишини эслатиб ўтамиз.

Шунингдек, эски 33-АТС абонентлари, янги электрон 33-АТСга ўтказилган абонентларга телефон қила олмайдилар.

Янги АТСга ўтказиш даврида сўзлашув учун вақтбай ҳақ тўланмайди.

33-АТС абонентларидан сўзлашув учун вақтбай пул олиш қачондан бошланиши тўғрисида қўшимча хабар берамиз.

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.**

**АГАР**

***СИЗДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ УЧУН ҲАҚ ТЎЛАШДАГИ ИМТИЁЗИНГИЗ***

**1995 йилнинг 1 декабридан илгари расмийлаштирилган бўлса,**

СИЗ БУ ИМТИЁЗИНГИЗНИ ҚАЙТА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШИНГИЗ ЗАРУР.

**БУНИНГ УЧУН ҚУЙИДАГИЛАР БЎЛИШИ ШАРТ:**

— яшаш жойингиз кўрсатилган шахсий паспортингиз ёки уй дафтарчаси;
— имтиёзли тўлов ҳуқуқини берадиган ҳужжат;
— электр энергияси учун энг охирги тўлов қоғози билан биргаликда мижоз дафтарчаси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ МАНЗИЛИ: А. Тўқай кўчаси, 101-уй.

СИРҒАЛИ ТУМАНИ АҲОЛИСИ УЧУН — «Спутник» даҳаси, 6-мавзе, 9-уй.

ҲАМЗА ТУМАНИ АҲОЛИСИ УЧУН — Фигельская кўчаси, 3-уй.

***ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ.***


«Тошкентсут» ҳиссадорлик жамоаси 2-ишлаб чиқариш бошлиғи Д. К. Жалиловга отаси
**Камол ЖАЛИЛОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат Шарқшунослик институти жамоаси уйғур филологияси кафедрасининг мудири, доцент
**Исроил РЎЗБОҚИЕВнинг**
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

*Жиноятчиликни жиловлаш йўлида*

# ШАХСИЙ ТАРКИБ БИЛАН МУЛОҚОТ

Шахсий таркиб билан мулоқотлар Ички ишлар вазирлиги идораларида биринчи марта ўтказилаётгани йўқ. Тартиб посбонлари ва раҳбар ходимлар учун фойдали бундай учрашувлар анчадан бери ўтказилиб келинаётганлиги учун ўз самарасини бермоқда. Зеро, жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши кескин кураш олиб бориш, жамоат тартибини сақлашда шахсий таркибнинг қандай руҳда тарбияланганлиги жуда муҳим роль ўйнайди.

Бунинг учун шахсий таркиб орасида тарбиявий ишларни олиб бориш, уларни Ватанга, халққа, касбига садоқат руҳида тарбиялаш зарур. Тошкент шаҳар ИИББси соқчилик, посбонлик хизматида шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ташаббуси билан тартиб-интизом ва ҳозирги кун масалалари бўйича шахсий таркиб билан учрашув бўлиб ўтди. Унда ИИВ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Ў. Жўраев, ИИВ шахсий таркиб хавфсизлигини таъминлаш бўлими бошлиғи, ички хизмат полковниги Я. Тимошенко, Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги А. Когайлар сўзга чиқиб шахсий таркибнинг кейинги пайтдаги ишларига баҳо беришиб, айрим бўлим ва бошқармаларда бу масалада йўл қўйилган хатоларни тузатиш чораларини айтиб ўтишди.

— Шахсий таркиб орасида тартиб-интизом, қонунчиликни бузиш ҳолларининг учраб туриши ҳар биримиз учун ташвишлидир, — деб таъкидлади ўз сўзида ИИВ ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Ў. Жўраев. Бундай ходимлар мустақил Республикамиз милицияси шаънига доғ бўлиб тушишмоқда. Ҳар хил йўллар билан ички ишлар идораларига кириб қолган бундай кишиларга орамизда ўрин бўлмаслиги керак.

Учрашув қатнашганларда катта таассурот қолдирди. Шундай учрашувлардан бири ИИВ раҳбар ходимлари билан Тошкент шаҳар ДАНБ шахсий таркиби билан ҳам бўлиб ўтди.

Мирвали САЪДУЛЛАЕВ.

*Ножўя иш — келтирар ташвиш*

## ҚОТИЛ МЕЗБОН

Юнусобод туманидаги уйлардан бирида меҳмондорчилик авжига чиқди. Тўкин дастурхон атрофига йиғилганлар ул-булдан тановул қилишиб ичкилик ичишиб ўтиришди. Ҳаммаси кўнгилдагидек ўтаётганди. Бироқ «Ўзбекқурилиш» корхонасида ишловчи А.Никитанинг ҳаддан ташқари кўп спиртли ичимлик ичиб мезбоннинг шаънига мос келмайдиган гапларни айтаётгани зиёфатнинг файзини буза бошлади. Мезбон нафақахўр Т.Дмитрий барисини ичига ютди, ҳар ҳолда меҳмон-да кайфи ошиб қолган, бир нарса дейиш ноқулай. Охири сан-манга бориб қолишди. Мезбоннинг асаблари чидамади, Никитанинг кўкрагига стол устидаги пичоқни урди. Пичоқ зарбидан у кўп қон йўқотиб оламдан ўтди. Мана, кўп спиртли ичимлик ичишнинг оқибати. Яхши бошланган меҳмондорчилик фожиа билан тугади. Бир киши оламдан ўтди. Яна бири қамоққа кетадиган бўлди.

## КАРТОШКА САВДОСИ ПИШМАДИ

Ҳеч қаерда ишламайдиган Тошкент туманилик В.Нодирбек ҳам анчадан бери фирибгарлик билан шуғулланиб келар экан. У Самарқанд вилоятилик деҳқон Умаровнинг 120 килограмм картошкасини савдолашиб олади. Бироқ деҳқонга пулни беришга келганда эски касби—товламачилик қилишга ўтди. Лекин ички ишлар ходимлари аралашувидан кейин фирибгар ушланиб деҳқонга картошкаси олиб берилди. Бу кимса олдин ҳам вилоятлардан келган деҳқонларнинг молини олиб, олмадим дея тўнини тескари кийиб ёлғон гапириб қасам ичишдан ҳам тоймаганлиги маълум бўлди.

## ГИЁВАНД ҚЎЛГА ТУШДИ

«Марказ-15» мавзесида гиёвандлик моддасини истеъмол қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган С.Ким ушланди. Ички ишлар ходимлари шубҳали туюлган бу кимсанинг чўнтагидан 100 грамм қора дори гиёвандлик моддасини топишди. Энди гиёванд йигит терговда жавоб беради.

## ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, АВТОМАШИНА!

Тошкент халқа йўлининг Фарғона йўли кўчасига туташадиган жойида кўнгилсиз йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди. «ГАЗ-31029» русумли енгил автомашина ҳайдовчиси йўл чеккасида турган «КамАЗ-5320» русумли оғир юк машинасига бориб урилади. Қаттиқ шикастланиш натижасида енгил машина ҳайдовчиси ва унинг ёнида ўтирган йўловчи ҳодиса содир бўлган жойдаёқ оламдан ўтишди. Орқа ўриндиқда ўтирган иккита йўловчи эса турли даражадаги тан жароҳатлари билан тиббий ёрдам кўрсатиш учун касалхонага ётқизилди.

## ДЎКОНДАГИ ТЎППОНЧА

Сергели тумани ички ишлар бўлими ходимлари кейинги пайтда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасида бир қатор муваффақиятларга эришиб келишмоқда. Ўтган йили бўлим ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида бир қанча жиноятчилар ушланиб одил суд ҳукмига кўра жиноий жазога тортилдилар.

Туман ИИБ ходимлари яқинда яна бир жиноятни очишди. Тумандаги «Лада» дўконидан тўппонча чиқди. Тўппонча ўзўзидан бу ерга келиб қолмаганди. Шаҳримиздаги кичик корхоналардан бирида ишловчи Г.Константин шу дўкон сотувчиси Х.Фарҳодга вақтинча сақлаб туриш учун тўппонча ва 10 дона ўқни бериб қўяди. Кейинчалик уни сотиб пулни «арра» қилишмоқчи эди. Бироқ ички ишлар ходимлари бунга йўл қўйишмади. Тўппонча ва унинг ўқлари дўкон омборхонасига яширилган жойдан олиниб, жиноятчилар тегишли жазога тортилиши учун судга берилди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
*Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси матбуот хизмати ходими*


**Бош муҳаррир**
**Эркин ЭРНАЗАРОВ**

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

*Муассис:*
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

*Манзилимиз:*
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 33-29-70;
эълонлар:
33-81-42, 36-57-27.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690*

*Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0188. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ Босишга топширилди: 11.30. 6.193 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.